

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ФАРХОД ХАКИМОВИЧ

**ЖИГАР ИЧИ ВА ТАШҚАРИСИДА ЖОЙЛАШГАН ЎТ
ЙЎЛЛАРИНИНГ ЎТ –ТОШ КАСАЛЛИГИДА АНЪАНАВИЙ ВА
ЛАПАРОСКОПИК ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯДАГИ СОЛИШТИРМА
МОРФОМЕТРИЯСИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафадоктори (PhD) диссертацияси авторефератимундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Фарход Хакимович

Жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўлларининг ўт –тош касаллигида анъанавий ва лапароскопик холецистэктомиядаги солиштирма морфометрияси..... 3

Ахмедов Фарход Хакимович

Сравнительная морфометрия внутри и внепеченочных желчных протоков желчекаменной болезни после традиционной и лапароскопической холецистэктомии..... 21

Akhmedov Farhod Khakimovich

Comparative morphometry of intra and extrahepatic bile ducts of cholelithiasis after traditional and laparoscopic cholecystectomy 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ФАРХОД ХАКИМОВИЧ

ЖИГАР ИЧИ ВА ТАШҚАРИСИДА ЖОЙЛАШГАН ЎТ
ЙЎЛЛАРИНИНГ ЎТ –ТОШ КАСАЛЛИГИДА АНЪАНАВИЙ ВА
ЛАПАРОСКОПИК ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯДАГИ СОЛИШТИРМА
МОРФОМЕТРИЯСИ

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2543 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтидабajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Хамдамова Мухайёхон Тухтасиновна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Рахматова Муқаддас Холтаевна
тиббиёт фанлари доктори

Адилбекова Дилором Бахтиёровна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

**Курск давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси).**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашилмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда холецистэктомиянинг асосий сабабларидан бири бу яллиғланиш билан кечувчи касалликлар - холецистит, холангит ва ўт-тош касаллигидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...дунё аҳолисининг чорак қисмида ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши кузатилади ва касаллик аломатлари бўлган беморларнинг 75% гача тиббий ёрдамга мурожаат қилмайди ва ўзини-ўзи даволайди...»¹. Бугунги кунга қадар ва сўнгги йилларда даволашнинг энг радикал усули холецистэктомия операцияси бўлиб қолмоқда. Қорин бўшлиғи аъзоларининг пошилинч жарроҳлик касалликлари таркибида ўткир калькулёз холецистит (ЎКХ) бугунги кунда ўткир аппендицит, ўткир панкреатитдан кейин учинчи ўринда туради, ўткир калькулёз холецистит билан оғриган беморлар жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларнинг умумий сонининг 10-50% ни ташкил қилади ва бу касалликнинг "қариши" га маълум бир тенденция мавжуд.

Жаҳонда жарроҳлик аралашувининг янада юмшоқ усуллари ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ва жарроҳлик асоратлари камроқ бўлишига қарамай, операция қилинган беморларнинг 5% дан 40% гача ўт пуфаги олиб ташланганидан кейин турли даврларда ошқозон-ичак трактидан турли хил шикоятлар билан мурожаат қилишда давом этмоқда. Холецистэктомиядан кейин турли вақтларда беморларда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўллариининг турғунлигини диагностика қилиш ва даволаш муаммоси долзарбдир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш усуллариини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тараққиёт стратегиясидаги етита устувор йўналишлари бўйича «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган...»². Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда ўт йўллариининг патологияси бўлган беморларда қайд этилган ўт йўллариининг мураккаб симптомлар мажмуасини ўз вақтида ташхислаш ва даволаш жиддий муаммо ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни

¹. Винник Ю.С. Дифференциальная ультрасонографическая диагностика осложненной желчнокаменной болезни и сопутствующих патологических состояний // Трудный пациент. - 2021. - Т. 19. №3 - С.43-51.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот мавзусининг Республикадаги устувор тадқиқот йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, ўт-тош касаллигининг частотаси ўртача 25% ни ташкил қилади. Ўт тош касаллигида ўт сафро тизимининг фаол яллиғланиш жараёни билан бирга келади. Бундай ҳолда, ўт йўллариининг декомпрессияси имкон қадар эрта амалга оширилади. Ўт-тош касаллиги 58,2-85 % ҳолларда обструктив сариқлик, 23,6-56% холангит, 2-15% биллиар-дуоденал сфинктер стенози сабаб бўлади, деб ҳисоблайди (Бабажанов А.С, Давлатов С.С.,2013). Олимлар фикрига кўра, ўт йўллариининг обструкцияси муҳим омил ҳисобланади, аммо холангит ривожланиши учун этарли эмас. Ўт йўллариининг ўтказувчанлигини бузилиши билан бир қаторда, ўт сафро инфекцияси сабаб бўлиши мумкин. Кўпгина замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўт-тош касаллиги билан оғриган деярли барча беморларда гепатоцитлар ва ўт йўллариининг морфологик ва функционал бузилишлари мавжуд бўлиб, бу гепатоцитлар дисхолиясининг асосий сабаби бўлиб, литоген ўт сафро ҳосил бўлишига ва биллиар этишмовчилигининг ривожланишига олиб келади. Ўт пуфаги олиб ташлангандан кейин унинг концентрацион функцияси ушбу бузилишларни бартараф этмайди, аксинча, уларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда сурункали холецистит касаллигида ўт қопидаги патологик ўзгаришларни баҳолаш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (А.М. Хаджибаев, 2013; Ф.А. Хаджибаев, 2014 ; Б.К.Алтиев, 2015; Ф.Г.Назыров, 2015; Х.А. Акилов, 2015; Б.А.Магруппов, 2016; Ўроков Ш.Т., 2018, Курбаниязов З.Б., 2021). Бироқ ўт қопи жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўллариининг, ўт йули сфинктерларининг ўт–тош касаллигида анъанавий валапароскопик холецистэктомиядаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар кам ўрганилган. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари, ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўлларининг ўт-тош касаллигида анъанавий ва лапароскопик холецистэктомиядаги солиштирма морфометриясини ўрганиш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Соғлом одамларда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўлларининг ёшга боғлиқ ультратовуш анатомиясини ўрганиш;

Ўт-тош касаллиги билан оғриган беморларда анъанавий холецистэктомия операциясигача ва кейинги даврларда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўлларининг ультратовуш диагностикаси орқали солиштирма морфометрияси;

Ўт-тош касаллиги билан оғриган беморларда лапароскопик холецистэктомия операциясигача ва кейинги даврларда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўлларининг ультратовуш диагностикаси орқали солиштирма морфометрияси;

Ўт-тош касаллигида ўткир ва сурункали холециститнинг ҳар-хил формаларида ўт пуфаги деворининг патоморфологик ва гистокимёвий ўзгаришларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли ёшдаги жами 237 нафар, шундан соғлом контингентдан 80 нафарида ўт пуфаги ва ўт йўллари, холецистэктомия қилинган 157 нафар беморда ўт йўллари ультратовуш текширувидан ўтказилди. Беморлар операция усули бўйича 2 та таққосланадиган гуруҳга бўлинди, анъанавий ва лапароскопик холецистэктомия. Ўт йўлларини ультратовуш текширувида текшириб, қиёсий жадвалларда изоҳланди.

Тадқиқотнинг предмети. Ультратовуш ташхисотида ўт йўллари солиштирма морфометриясини жадвалларда қиёслаш, ўт тош касаллигининг асорати ҳисобланган холециститнинг турли шаклларидаги патоморфологик ва гистокимёвий ўзгаришларини баҳолаш материаллари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда ультратовуш текшируви, морфологик ва гистокимёвий тадқиқотлар, вариацион жадваллар ёрдамида таққослаш ҳамда статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анъанавий холецистэктомия ва лапароскопик холецистэктомиягача ва ундан кейинги даврда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўллари ультратовуш текширувида солиштирма морфометрияси баҳоланган;

Ўт-тош касаллиги билан оғриган беморларда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўллари, сфинктерларини анъанавий ва лапароскопик холецистэктомиядан кейин морфологик ва функционал ўзгаришлари ўрганилган;

Ўт пуфаги деворини гистокимёвий текширишларда ҳужайралар ядросида жойлашган ва унинг пролефератив фаоллигини кўсатадиган махсус оқсил, ҳужайранинг апоптозланишини блоклайдиган оқсил, меъёрий ҳужайранинг ўсма ҳужайрасига айланишини кўрсатадиган дисплазия асосида ўсма жараёнига ўтиш даражасини белгилаш аҳамият касб этиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

ультратовуш текширувида ўт-тош касаллигини ташҳисини яхшилаш, жигар ичи ва ташқарисидаги ўт йўллариининг морфометрияси, шошилини жарроҳлик кўрсатмаларини объективлаштириш ва "мажбурий" аралашувлар сонини камайтиришдан иборат бўлган;

касаллик кечиш даражани башорат қилиш орқали лапароскопик холецистэктомия учун беморларни танлашда ультратовуш текширувидан фойдаланиш лозимлиги асосланган. Ультратовуш текширувига мувофиқ эндовидеожарроҳлик аралашувининг келажакдаги техник қийинчиликларини бартараф қилиш мезонлари таклиф этилган;

жигар ичи ва ташқарисидаги ўт йўллари, сфинктерларидаги холецистэктомиядан кейин морфофункционал ўзгаришларни ўрганиш натижалари таҳлил қилинган. Касалликнинг морфологик расмининг хусусиятларини тавсифлаш, ўт йўллари ва жарроҳлик усулини танлаш тактикасини ишлаб чиқишнинг имконини берган;

клиник ва морфологик тадқиқотлар маълумотлари асосида лапароскопик ва анъанавий холецистэктомияда постхолецистэктомик синдромнинг олдини олиш, ўт-тош касаллигида беморларга кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдам сифатини ошириш йўллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, клиник-лаборатор, биокимёвий, функционал диагностик текшириш усуллари ультратовуш текшируви, компьютер томография (КТ), гистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланганлик, етарли миқдордаги беморлар текширилганлиги, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш эҳтимолини даволаш-ташҳислаш ва истиқболлигини белгиловчи мезонларни такомиллаштирилганлиги, статистик таҳлил усуллари мажмуининг асосланганлиги ҳамда уларнинг тўғри қўлланилишини, олинган маълумотларнинг хорижий ва ватандош тадқиқотчилар олган маълумотлар билан таққосланишганлиги, натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ультратовуш текшируви орқали холецистэктомия операциясигача ва кейинги даврда жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўллари солиштирма морфометриясини

ўрганиб, ўт йўллариининг гипертензияси, димланиш ҳисобидан ўт йўллариинг кенгайиши изоҳланган.

Ўт пуфагининг ўткир ва сурункали, яллиғланиши жумладан, ўт пуфаги деворининг ўзига хос тузилиши, деворининг мушак қаватининг сурункали холецистит натижасида шикастланиши мушаклар ораси бириктирувчи тўқимасида лимфоид инфильтрациянинг пайдо бўлиши, мушак толаларининг атрофияланиши, айрим ҳолларда аденомиоз ривожланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўт қопи шиллиқ қавати эпителийсининг гиперплазияси ҳисобига шиллиқ парда юзасида полипсимон ҳосила пайдо бўлиши ва ўт йўлларида холелитиазнинг юзага келиши ўсма олди ҳолати бўлган дисплазиясининг олдини олиш билан патогенетик давосини режалаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ультратовуш текшируви орқали аниқланган морфометрик ўлчамларни қиёсий таққослаш ва биопсия материалдан фойдаланиб ўт пуфагида ўткир ва сурункали яллиғланиш таъсирида кўплаб беморларда асоратларга олиб келадиган сабаблар билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт пуфаги ўткир яллиғланиш ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: ўт тош касалигининг ҳолатининг морфологик белгиларини баҳолаш бўйича «Ўт тош касаллиги билан оғриган беморларда анъанавий ва лапароскопик холецистэктомиядан кейинги ўт йўллариининг солиштирма морфометрияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 октябрдаги 8н-р/391-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўт тош касаллигининг турли морфологик формаларини патоморфологик белгиларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган.

Ўт пуфаги рак олди ҳолатининг морфогенези ва морфологик белгиларини морфологик ташхислашни такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика Шошинч Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Бухоро филиали ва патологик анатомия экспертиза бюроси ва Республика патологик анатомия маркази ва биопсия ташхислаш бўлими амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 ноябрдаги 8н-д/204-сон маълумотномаси). Ўткир ва сурункали холециститнинг морфологик шакллариини баҳолашда хужайралар ядросида жойлашган ва унинг пролифератив фаоллигини кўрсатадиган хужайравий тузилишдаги морфологик ўзгаришлар касаллик турига қараб ҳар хил даражада ўзгариши натижасида, янгича ёндашув тартибини жорий қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради, олинган маълумотларнинг ишончлилигини асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўт-тош касаллиги муамолари, ўт йўллари морфометрик ўзгаришлари, анъанавий ва лапароскопик холецистэктомия**» деб номланган биринчи бобида беморларда ўткир калькулёз холециститнинг ҳал этилмаган муаммолари, беморларда ўткир калькулёз холециститнинг асоратлари ва характери ҳақида адабиётлар маълумотлари кўриб чиқилган, яллиғланиш касалликларининг ташҳисоти ҳақидаги маълумотлар бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар таҳлилига кўра, тадқиқотчилар орасида ўт пуфагининг холелитиаз ва ўт тош касаллигида хавф омиллари ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Ультратовуш текширувининг мезонлари бироз ноаниқликка эга бўлиб, аниқлаштиришни талаб қилади. Ўт пуфаги тошларининг касалликларининг турларини ҳужайра элементлари дисплазия даражаси ва патогистологик белгиларига асосланган бўлиши касалликни даволашга асос бўлади. Беморларда ўткир калькулёз холециститнинг деструктив шакллари ривожланишининг патогенезида ушбу жиҳатларнинг очиб берилиши, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатларининг ривожланиши ушбу контингент беморларининг даволаш натижаларини яхшилашга имкон бериши асосланган.


Жарроҳлик аралашувининг кўлами тўғрисидаги якуний қарор жигардан ташқари ўт йўллари тўлиқ қайта кўриб чиқишдан сўнг қабул қилинади, бу ультратовуш ташҳисоти маълумотларига асосланади. Холангиография ўтказиш ўт йўллариининг ҳолатини, уларнинг жойлашини, кенглигини, тошлар ва стриктураларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини ишончли тарзда баҳолаши мумкин. Холангиографик маълумотларга асосланиб, умумий ўт

йўлига аралашув ва усулни танлаш баҳслашади. Ультратовуш текшируви ўт сафро тизими касалликларини комплекс ташхислашда асосий роль ўйнайди. Магнит резонанс томография (МРТ), компьютер томография (КТ), эндоскопик ретроград холангиопанкреатография (ЭРПХГ) каби турли хил текшириш усуллари билан тўлдирилиши мумкинлиги белгиланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва усулларига бағишланган. Ўткир калькулёз холецистит билан касалланган 157нафар беморларни комплекс текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқотларда қиёсий баҳолашни ўтказиш учун беморларнинг умумий контингенти икки гуруҳга бўлиб ўрганилди, лапароскопик холецистэктомия билан - 123 (78,3%) ва анъанавий холецистэктомия билан- 34 (21,7%) бўлинган. Назорат гуруҳидан асосий гуруҳнинг ажралиб турувчи ўзига хос хусусияти янги ташхис усуллари жорий этиш, беморларда ушбу касалликни комплекс жарроҳлик даволаш самарадорлигини прогностик баҳолаш амалга оширилган. Беморларни ёш тоифаларига бўлиш 1992 йилдаги ЖССТ тавсияларига мувофиқ амалга оширилган, соғлом контингентда 80 кишида ҳам ультратовуш текшируви ўтказилди, шулардан 27(33,7%) таси эркеклар, 53(66,3%)таси аёллар. Шулардан 16тасида ўт-тош касаллиги (13таси аёл, 3 таси эркек) 1тасида полип аниқланди. Умумий ўт йўли кенгайиши 5та ҳолатда кузатилган (диаграмма-1).

1-диаграмма

80-нафар кишида ўт-тош касаллиги аниқланганлик ҳолати




Умумий клиник усуллар билан бир каторда, беморларда ўткир калькулёз холецистит билан оғриган беморларни текшириш комплекси қуйидаги мажбурий ташхисот элементлари: клиник текширув, лаборатор ва инструментал тадқиқот усулларини ўз ичига олган.

Диссертациянинг «**Ўт тош касаллигида сурункали холециститнинг патоморфологик шакллари бўйича морфологик ва гистокимёвий ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар**» деб номлаган учинчи боби Бухоро вилоят патологик анатомия бюроси биопсия ташхислаш бўлимида 2018-2022 йиллар давомида текширувдан ўтган, жами 157 та ўткир ва сурункали холецистит билан хасталанган беморларнинг ўт пуфаги материалларини ҳар томонлама ўрганиш натижасига бағишланган. Сурункали холециститнинг 4 хил тури танлаб олинган. Уларнинг ҳар бирида ўт пуфаги деворидан тайёрланган гистологик материалларни ўрганиб, нечтасида патологик гиперплазия, метаплазия каби патоморфологик ўзгаришлар борлари ажратиб олинди ва ажратиб олинган ҳолатларни гистокимёвий усулларда текширувдан ўтказилди, натижалар қуйидагини ташкил қилган;


80 та интерстициал пролифератив сурункали холецистит, улардан 3 тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди, 34 та интерстициал фиброзланган сурункали холециститдан 1 тасида ўсмага олиб келувчи ҳолат юзага келган; 23 та интерстициал миксаматоз ва муцинозли сурункали холециститдан 2 тасида, 20 та аденомиоматоз ва полипоз гиперплазияли сурункали холециститдан 3 тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди. Жами 157 тадан 9 тасида ўсмага олиб келувчи дисрегенератор ўзгаришлар аниқланди ва бу 5,7% ташкил қилди. Сурункали холецистит билан хасталанган беморларнинг ўт пуфаги материалларини ҳар бирини гистологик текширувдан ўтказилганда қуйидаги маълумотлар олинди.

Сурункали холецистит билан хасталанган беморларнинг ўт пуфаги материалларини ҳар бирини гистологик текширувдан ўтказилганда қуйидаги маълумотлар олинди. Интерстициал пролифератив сурункали холециститда ўт пуфаги девори барча қатламларининг оралиқ тўқимаси тарқоқ ҳолда пролифератив инфилтрат, яъни, лимфо-гистиоцитар ҳужайралар билан инфилтрацияланганлиги кузатилган. Шиллиқ парда хусусий пластинкаси пролифератив инфилтрат пайдо бўлганлиги ҳисобига қалинлашган ҳолатда ва инфилтрат ҳужайралари базал мембрана томонга тарқалганлиги аниқланади. Шиллиқ ости қавати нафақат пролифератив инфилтрат балким, бириктирувчи тўқима ўсиши ҳисобига кескин қалинлашган. Бу қаватда пролифератив инфилтрат асосан қон томирлар атрофида зич ва кўп жойлашган, натижада қон томир девори ҳужайралари ҳам пролиферацияланиб, бўшлиғи торайган, натижада атроф тўқимасида ишемия ҳолати пайдо бўлганлигидан ҳужайра-тўқима тузилмаларда некробиотик ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланди. (1-расм).




**1-рasm. Шиллиқ ости ва мушак қаватлари чегарасида яллиғланиш инфилтрати зич ва кучли ривожланган, мушак қават оралиқ тўқимасига тарқалган.
Бўёқ: А.-К. X: 10x10.**

Мушак қаватига яқин соҳаларида лимфо-гистиоцитар инфилтрат яна ҳам кўпайиб, зичлашганлиги ва мушак қаватининг интерстициал оралиқ тўқимасига тарқалганлиги кузатилди (2-рasm).



2-рasm. Ўт пуфаги девори мушак қавати кучли пролифератив инфилтрацияга учраган, мушак тутамлари титилган ва атрофияланган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.

Интерстициал пролифератив яллиғланишли инфильтрат диффуз ҳолда тарқалганлиги ва узок вақт сақланиб қолганлиги оқибатида, ўт пуфаги деворидаги паренхиматоз, яъни, қопловчи ва без эпителийси доимий ҳолда ишемия, гипоксия ва дистрофия ҳолатида қолганлигидан ҳар хил даражадаги дисрегенератор ўзгаришларга учраганлиги кузатилди. Қопловчи эпителийси меёрдаги призматик шаклдан йириклашиб цилиндрсимон ва чўзинчоқ шаклга кирганлиги кузатилди. Бу турдаги дисрегенератор ўзгаришлар оқибатида қопловчи эпителий метаплазияга учраб, бошқа шакл ва турдаги эпителийга айланди. Бунда оқиш рангли эпителий хужайраси шакли думалоқ, нисбатан кичик, цитоплазмаси вакуоллашганлиги ҳисобига оқ рангли, ядроси думалоқ ва ўртада жойлашганлиги кузатилди (3-расм). Без ячейкасининг бузилган соҳасида лимфоид хужайралар без эпителийси билан аралашиб жойлашганлиги ва без эпителийси парчаланиб, деструкцияланганлиги ва уларнинг цитоплазмаси вакуоллашиб, дистрофияга учраганлиги кузатилди.




3-расм. Сурункали интерстициал пролифератив холециститда девор эпителийсининг оқиш рангли думалоқ шаклли эпителийга метаплазияланиши. Бўёк: А-К. X: 10x40.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, сурункали пролифератив яллиғланишли холециститда эпителий хужайраларида пролифератив

фаоллик нисбатан паст даражада ривожланганлиги гистокимёвий усулда текширилганда бор-йўғи 10,8% даражада бўлганлиги билан тасдиқланди.

Гистокимёвий текширувда олдимизга қўйилган яна бир вазифа, бу – ҳар бир ҳужайранинг ичида жойлашган ва унинг ўсма ҳужайрасига айланишини кўрсатадиган жараёнларни аниқлашда нейтрал мукополисахаридлар қизил, нордонлари ҳаворанг, ядролари эса кўк рангда бўялди.

Сурункали пролифератив яллиғланишли холециститда без тузилмаларида гистокимёвий текшириш шуни кўрсатдики, аслида без тузилмалари гиперплазияланиб, ҳар хил катталиқдаги без ячейкаларини пайдо қилган, атрофида кучли пролифератив яллиғланишли инфилтрат пайдо бўлганлиги аниқланади. Без эпителийси меъёрга нисбатан йириклашган, тартибсиз жойлашган, айрим соҳаларида кўп қаторли тузилмалар мавжудлиги аниқланди (4-расм).



4-расм. Ўт пуфаги без тузилмаларида айрим эпителий ҳужайраларида мусбат полисахаридларнинг бўялганлиги. Бўёқ гистокимёвий усулида бўялган А-К. X: 10x40.

Гистокимёвий текширувимиз ҳужайра ядроси сурункали касалликларида фаоллашади, пролиферацияланиши кучайган ҳужайраларда унинг концентрацияси ошади. Натижалар шуни кўрсатдики, ўт пуфаги шиллиқ пардасидаги қопловчи эпителийга нисбатан без тузилмаларида яхшироқ аниқланди. Қопловчи эпителий нисбатан йириклашган, айримлари вакуоллашган, ядролари базал қисмида жойлашган, айрим жойларида икки

ва уч қаторли тузилмалар пайдо қилган. Бу ген супрессор қопловчи эпителий айримларининг ядролари бир оз йириклашганлиги ва жигар ранглироқ бўлганлиги билан намоён бўлди ва қопловчи эпителийнинг 17,2% да аниқланди.

Диссертациянинг “Ультратовуш текширувида ўт йўллари солиштирма морфометрияси” деб номланган тўртинчи бобида 157 беморларда операциягача ва операциядан кейин жигар ичи ва ташқарисида жойлашган ўт йўллари ультратовуш ташхисоти орқали текширилиб, жадваллар орқали солиштириб кўриш натижаларига бағишланган.

1-жадвал

Лапароскопик холецистэктомия қилинган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ёши	Жинси		Умумий	
	эркак	аёл	Абс.сонда	%
18-30	1	9	10	8,2
31-40	3	21	24	19,5
41-50	2	24	26	21,1
51-60	5	25	30	24,4
61-70	8	20	28	22,7
71-80	1	3	4	3,2
81 ёшдан катталар	1	-	1	0,8
Жами	21	102	123	100

2-жадвал

Анъанавий холецистэктомия қилинган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ёши	Жинси		Жами	
	эркак	аёл	Абс.сонда	%
18-30	-	-	-	-
31-40	-	2	2	5,9
41-50	-	3	3	8,8
51-60	6	8	14	41,1
61-70	3	6	9	26,4
71-80	1	4	5	14,7
81 ёшдан катталар	-	1	1	2,9
жами	10	24	34	100

1-2-жадваллардан кўриниб турибдики ўт-тош касаллиги асосан 51-60 ва 61-70 ёшдагилар ўртасида кўпроқ учрайди, бундай беморлар асосий қисми

аёллардир. Лапароскопик ва анъанавий холецистэктомия операциясидан олдин ультратовуш текшируви пайтида ўткир холелитиазли 157 беморни ёшга қараб умумий ўт йўллари ва жигар ичи ўт йўлларнинг ўзгариши аниқланди. Лапароскопик холецистэктомия ўтказилган 123 нафар беморлардан 21 нафари эркак, 102 нафари аёл. Шулардан умумий ўт йўли 27 нафар беморда кенгайган, жигар ичи ўт йўллари 94 та холатда операциягача кенгайган.

Анъанавий холецистэктомия ўтказилган 34 нафар беморларда 10 нафари эркак, 24 нафари аёл. Шулардан умумий ўт йўли 23та холатда кенгайган, жигар ичи ўт йўллари 23та холатда операциягача кенгайган.

3-жадвал

Лапароскопик холецистэктомия ва Анъанавий холецистэктомия операцияларидан олдин жигар ичи ва умумий ўт йўллари ҳолати

Ёши	жинси		ЛХЭ				АХЭ			
			УЎЙ		Жигар ичи ўт йўли		УЎЙ		Жигар ичи ўт йўли	
	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а
18-30	1	9	-	1	2	1	-	-	-	-
31-40	3	23	-	8	1	16	-	1	-	1
41-50	2	27	2	3	2	19	-	1	-	3
51-60	11	33		6	5	16	3	4	5	7
61-70	11	26	3	3	9	18	4	4	3	7
71-80	2	7		1		4	1	4	1	4
81 ёшдан катталар	1	1	-	-	1	-	-	1	-	1
жами	31	126	5	22	20	74	8	15	9	23

3-жадвалдан кўришиб турибдики ёши катталарда жигар ичи ўт йўлларида операциядан олдин кенгайишлар кузатилди, бу ўт йўлларидаги димланиш ҳисобидан. Умумий ўт йўлининг 7ммга ўзгариши одатда патологик кенгайиш ҳисобланади, гарчи кекса беморларда ва холецистэктомиядан сўнг ўт йўлининг диаметри ортиб боради. Катта одамларнинг 98% да умумий ўт йўлининг диаметри 5 мм ёки ундан кам бўлади. Жигар ошқозон ости беши бошига яқин бўлса, умумий ўт йўллари одатда бироз торайган кўринади. Жигар ичи ўт йўли умумий жигар ўт йўлига проксимал жойлашган бўлиб, диаметри 2-3 мм. Муковисцидознинг думида умумий ўт йўлини сиқиб чиқарадиган ва сариқликни келтириб чиқарадиган

тошлар пайдо бўлиши мумкин (Мириizzi синдроми). Умумий ўт йўлида кичик тошлар мавжудлигида ультратовуш текшируви ва унинг кенгайишининг йўқлиги маълумот бермайди ва холедохолитиазли беморларнинг 30 фоизда нотўғри салбий натижаларга олиб келади. Жигардан ташқари ўт йўллари патологиясини ультратовуш диагностикаси 4,9% ҳолларда нотўғри ижобий натижаларга эга. Ўт пуфаги тошларини аниқлашда ультратовушнинг диагностик аниқлиги 95-99% ни ташкил қилади ва умумий ўт йўллариининг тошларини визуализация қилиш фақат 29,0-89,6% ҳолларда муваффақиятли бўлган.

4-жадвалдан шу хулоса келиб чиқдики, асосан лапароскопик холецистэктомия ва анъанавий холецистэктомия операциясидан кейин ўт йўллариининг ўзгаришлари таҳлил қилинганда, лапароскопик холецистэктомиядан кейин 51-70 ёшдагилар ўртасида, кенгайган ўт йўллари кузатилди, шулардан умумий ўт йўли 8 нафар аёлда, эркакларда 4 та ҳолатда, жигар ичи ўт йўллари 5 нафар аёл ва 2 нафар эркакда операциядан кейин ҳам кенгайган. Анъанавий холецистэктомия ўтказган беморларда умумий ўт йўли ва жигар ичи ўт йўллари 13 нафар аёлда, 9 нафар эркак беморда кичраймаган.

4- жадвал

Лапароскопик холецистэктомия ва Анъанавий холецистэктомия операцияларидан кейин жигар ичи ва умумий ўт йўллари ўзгаришлари

Ёши	Жинси		ЛХЭ				АХЭ			
			УЎЙ		Жигар ичи ўт йўли		УЎЙ		Жигар ичи ўт йўли	
	э	а	э	а	э	а	э	а	э	а
18-30	1	9	-	-	-	-	-	-	-	-
31-40	3	23	-	-	-	-	-	-	-	-
41-50	2	27	-	-	-	-	-	-	-	-
51-60	11	33	2	2	1	1	6	7	6	7
61-70	11	26	2	5	1	3	2	4	2	4
71-80	2	7	-	1	-	1	1	1	1	1
81 ёшдан катталар	1	1	-	-	-	-	-	1	-	1
Жами	31	126	4	8	2	5	9	13	9	13

Шошилич вазиятда ультратовуш диагностикаси ўткир холелитиаз, холецистит, холангит, ўт йўллари учун асосий диагностика усули бўлиб

қолмоқда, бу бошқа бир қатор усуллар билан тўлдирилади, масалан, компьютер томографияси (КТ), эндоскопик ретроград холангиопанкреатография (ЭРПХГ).

Маълум даражада, холелитиазда жарроҳлар дуч келадиган муаммолар умумий ўт йўллари ва катта ўн икки бармоқли ичак сурғичининг шикастланиши билан боғлиқ. Холелитиазни даволашнинг ўз вақтида эндоскопик усуллари ишлаб чиқиш бу йўналишда сезиларли ютуқларга олиб келди, ammo бу барча клиник муаммоларни ҳал қилмайди. Ўт сафро йўллари патологиясини ташхислашда спирал компьютер томографияси беморнинг конституциявий хусусиятларидан қатъи назар, олинган маълумотларнинг сифати туфайли кенг тарқалган. Ўт йўллари тошларини аниқлашда компьютер томографиясининг самарадорлиги уларнинг таркибига боғлиқ. Компьютер томографияси ёрдамида холестерин қолдиқларини аниқлаш жуда қийин, чунки уларнинг зичлиги сафро таркибига яқин ва улар тез-тез учрайди, шунинг учун ўт йўллари обструкциясини аниқлашда ушбу усулнинг сезгирлиги 43,8-96,0% ни ташкил қилади ва ўзига хослик 90-94% ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, ўт йўллари сфинктер аппаратининг функционал бузилишлари холелитиаз ривожланишининг патогенетик асоси бўлиб, жарроҳлик даволашдан кейинги ривожланиш тенденциясига эга, деган фикр эътиборга лойиқдир. Шубҳасиз, кўплаб тадқиқотчилар ўз саъй-ҳаракатларини Одди сфинктерининг ҳаракатчанлиги бузилишини ўз вақтида ташхислашга йўналтирадilar ва натижаларга асосланиб, постхолецистэктомия синдроми (ПХЭС) билан оғриган беморларни даволашнинг оптимал стратегияси ва алгоритмини ишлаб чиқишга интилишади.

ХУЛОСА

1. Ультратовуш текширувида ўт-тош касаллигини ташхисини яхшилаш, жигардан ичи ва ташқарисидаги ўт йўллари патологиясини аниқлаш, шошилич жарроҳлик кўрсатмаларини объективлаштириш ва "мажбурий" аралашувлар сонини камайтириш имконини беради.

2. Клиник ва анамнестик таҳлиллар шуни кўрсатдики, холелитиаздаги сурункали холецистит орасида 5,7% ўсма олди процесси бўлган дисрегенератив ўзгаришлар аниқланди. Ўрганилган материалларнинг жинси бўйича тақсимоотида кўпчилик аёллар бўлиб, жами 67,1% ни ташкил этди. Аёлларда ортиқча вазн, шунингдек чекиш ва ошқозон-ичак касалликлари эркакларда хавф омиллари сифатида устун эканлиги аниқланди.

3. Ультратовуш текшируви усули ўткир холециститни юқори ишонч билан ташхислаш ва ўт пуфаги деворидаги морфологик ўзгаришлар, унинг

таркиби ва перивезикал тўқималарнинг моҳиятини объектив баҳолашга имкон беради.

4. Ўткир холециститнинг кетма-кетлиги, яъни, катарал, фибриноз ва калькулёз турларини ташҳислашда патоморфологик ўзгаришлар асосий ҳисобланган, ўт тош касаллигининг турли морфологик формаларида юзага келадиган ўзгаришлар касалликларни даволашда эътиборга олиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04.30.04.2022.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМЕДОВ ФАРХОД ХАКИМОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ МОРФОМЕТРИЯ ВНУТРИ И ВНЕПЕЧЕНОЧНЫХ
ЖЕЛЧНЫХ ПРОТОКОВ ЖЕЛЧЕКАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ ПОСЛЕ
ТРАДИЦИОННОЙ И ЛАПАРОСКОПИЧЕСКОЙ
ХОЛЕЦИСТЭКТОМИИ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/Tib164

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте и Бухарском филиале РНЦЭМП.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.tma.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).uz).

Научные руководители	Хамдамова Мухайё Тухтасиновна. доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Рахматова Муқаддас Холтаевна доктор медицинских наук Адилбекова Дилором Бахтиёровна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Курский государственный медицинский университет(Российская Федерация).

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 200118, г. Бухара, проспект А.Навои, дом 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2023 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н. Казакова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

Б.З. Хамдамов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время наиболее частой причиной холецистэктомии являются воспалительные процессы: холецистит, холангит, желчнокаменная болезнь. По данным Всемирной организации здравоохранения, «...четверть населения земного шара имеет нарушения функциональной и органической деятельности органов пищеварения, и до 75% больных с симптомами заболевания не обращаются за медицинской помощью и занимаются самолечением...»¹. На сегодняшний день и в последние годы наиболее радикальным методом лечения остается холецистэктомия. Острый калькулезный холецистит (ОКХ) является третьим по частоте неотложным хирургическим заболеванием органов брюшной полости на сегодняшний день после острого аппендицита и острого панкреатита. Больные с острым калькулезным холециститом составляют 10-50% от общего числа хирургических больных, и есть определенная тенденция «старения» этого заболевания.

В мире несмотря на разработку и внедрение более щадящих методов оперативного вмешательства и меньшее количество хирургических осложнений, от 5% до 40% оперированных больных продолжают предъявлять различные жалобы на желудочно-кишечный тракт в разные сроки после удаления желчного пузыря. Проблема диагностики и лечения застоя желчных протоков, расположенных внутри и вне печени, у больных в разные сроки после холецистэктомии является актуальной.

В нашей стране осуществляются комплексные меры, направленные на развитие медицинской отрасли, в частности, на уменьшение функциональных и органических нарушений органов пищеварения и их осложнений, а также на совершенствование и профилактику методов лечения заболеваний. Достигаются определенные результаты по этому вопросу. В связи с этим в 2022-2026 годах согласно семи приоритетным направлениям стратегии развития нового Узбекистана «...определены задачи развития и совершенствования системы медико-социальной помощи в целях обеспечения полноценной жизни уязвимых слоев населения...»². Исходя из этой задачи, своевременная диагностика и лечение этого сложного симптомокомплекса желчевыводящих путей у больных с патологией желчевыводящих путей представляет серьезную проблему.

Данное диссертационное исследование основано на Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению совершенно новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения» от 10 ноября 2020 г. Решения № PQ-4887 «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» и № PQ-4891 от 12 ноября 2020 г. «О дополнительных

¹ Винник Ю.С. Дифференциальная ультрасонографическая диагностика осложненный желчнокаменной болезни и сопутствующих патологических состояний // Трудный пациент. - 2021. - Т. 19. №3 - С.43-51.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 8 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

мерах по обеспечению здоровья населения за счет дальнейшего повышения эффективности медико-профилактической работы» Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Совместимость темы исследования с приоритетными направлениями исследований в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетными направлениями развития республиканской науки и техники «Медицина и фармакология».

